



Муносабат

КИНО — ТАРБИЯНИНГ ЗАМИНИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 20 ноябрь куни пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишлари билан танишиш жараёнида “Ўзбекфильм” киностудиясига ҳам ташриф буюрди.



Айтиш лозимки, “Ўзбекфильм” узоқ йиллар давомида таъмирталаб ҳолда, ярим қувватда ишлаб келди, павильонларда шароит йўқлиги, эскирган техник ускуналар сифатли киноасарлар яратишда қийинчиликлар туғдирар эди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан соҳага катта маблағ йўналтирилди. Жумладан, “Ўзбекфильм”даги барча павильонлар таъмирланиб, янги картиналар сурагга олиш учун шароит яхшиланди. Ҳозир мазкур киностудия ва ҳужжатли фильмлар студиясини замонавий техника билан жиҳозлаш давом этмоқда.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида кинематография соҳасида бадий жиҳатдан етук асарлар яратиш, замонавий киноиндустрияни ривожлантириш, жумладан, янги кино-театрлар қуриш лозимлигини таъкидлаган эди. Қисқа муддатда “Кинематография тўғрисида”ги қонун ва Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача кинематографияни ривожлантириш концепцияси қабул қилинди.

Давоми 2-бетда

Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади

МУСТАҚИЛ ФИКРГА ЭГА ЁШЛАР КЕРАК

Янги Ўзбекистонда янгича дунёқарашни шакллантириш ва юксалтириш бевосита таълим ва тарбия билан боғлиқ жараён. Шу боис, мамлакатимизда сўнгги йилларда таълим соҳасининг барча босқичини ислоҳ қилиш, халқаро андоза ва замонавий талаблар асосида ташкил этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар жамиятда интеллектуал салоҳиятнинг ривожига хизмат қилади. Президентимиз ташаббуси билан таълим соҳасининг барча босқичини бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш ва модернизация қилиш бўйича қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Мазкур фармон ва қарорлар, ўз навбатида, янгича дунёқарашнинг шаклланиши ва юксалишига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бу жараёнда, шубҳасиз, янги тахирда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур қонунда таълим соҳасидаги асосий тамойиллар, таълим тизими, турлари ва шакллари аниқ белгилаб қўйилган. 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун 5 боб, 34 та моддадан иборат бўлган бўлса, 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун 11 боб, 75 та моддани ўз ичига олади.

Давоми 5-бетда



Ҳаним Йўлдошев олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси 16-22 ноябрь кунлари Америка Қўшма Штатларида бўлиб, Ўзбекистон — АҚШ сиёсий маслаҳатлашувининг саккизинчи даврасида иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва истиқболи, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил май ойида Америка Қўшма Штатларида расмий ташрифи якунлари бўйича эришилган келишувларни амалга оширишнинг бориши муҳокама қилинди. Мамлакатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги кўламини янада кенгайтириш билан боғлиқ устувор йўналишлар белгилаб олинди. АҚШ томони Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган, мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олувчи кенг миқёсли ислохотлар натижаларига юқори баҳо берди. Ҳуртимизнинг инсон ҳуқуқлари ҳимоясини қучайтириш,

мажбурий меҳнатга қарши курашиш, диний эркинлиكنи таъминлаш бўйича ислохотларни амалга оширишдаги муҳим ютуқларини, жумладан, Ўзбекистоннинг 2021-2023 йилларда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайланганини мамнуният билан эътироф этди. Сиёсий соҳада Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлиги тизимли ва барқарор тус олгани қайд этилди. Халқаро ташкилотлар ва кўп томонлама тузилмалар доирасидаги шерикликнинг долзарб масалалари бўйича фикр алмашилди. COVID-19 инқирозининг иқтисодийга жиддий салбий таъсири қайд этилиб, АҚШ глобал пандемия оқибатларига қарши курашда Ўзбекистонга ёрдам бериши тасдиқланди.

Америка томонига БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясида Ўзбекистон раҳбари илгари сурган ташаббусларнинг концептуал аҳамияти тўғрисида батафсил маълумот берилди. “С5+1” шакли минтақавий ҳамкорлиқни илгари суриш, биргаликдаги ишларнинг аниқ йўналишларини белгилаб олишда муҳим ўрин туттиши қайд этилди. Шу нуктаи назардан, Марказий Осиёнинг глобал транспорт ва транзит йўлакларига чуқур интеграциялашувини таъминлаш ҳамда минтақа мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестиция ва энергетика соҳаларидаги алоқаларни фаоллаштириш бўйича амалий чораларни қучайтириш масаласига ургу берилди.

Давоми 3-бетда

Иқтисодий таҳлил

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

очиқ ва шаффоф бўлиши лозим



Актам ҲАЙТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

Жамоатчилик давлат бюджети маблағларининг шакллантирилиши ҳамда сарфланиши билан боғлиқ масалаларга қизиқади. Биз яшаётган демократик жамиятда бу табиий ҳол бўлиб, аҳоли мазкур йўналишда ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олишга тўла ҳақли.

Шу жиҳатдан, мамлакат ривожини, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, ислохотлар самарадорлигига эришишда бюджет харажатлари тўғрисидаги маълумотларнинг янада очиқ ва шаффофлигини таъминлаш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Давлат бюджети даромадларининг асосий қисми солиқлар ҳисобида шакллантирилиб, йиғилган маблағлар жамият манфаати, халқ ҳаётини яхшилаш мақсадида турли соҳаларга йўналтирилади. Бироқ 2020 йилнинг оғир келиши, айниқса, коронавирус пандемияси дунё мамлакатлари қатори юртимизда ҳам кўпгина режаларни амалга оширишга жиддий таъсир кўрсатди. Айрим соҳаларда белгиланган

маблағларнинг ўз вақтида ажратилиши билан боғлиқ қатор муаммолар юзага келди.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ НИМАЛАРГА САРФЛАНМОҚДА?

Ўтган йили “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, унда қайси соҳага қанча миқдорда маблағ ажратилиши белгиланган эди. Демак, бу борада зарур ҳуқуқий асос яратиб берилди, аммо амалий харажатлар ҳам шунга яраша бўлдимиз? Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш мақсадида қабул қилинган мазкур қонуннинг ижроси қай даражада таъминланди? Жорий йилнинг учинчи чораги якунлари бўйича Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) ўсиши неча фоизни ташкил этди? Бюджет ташкилотлари ходимларининг маошлари ўз вақтида тўлаб берилдими? Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида давлат бюджетининг 9 ойлик ижроси муҳокамаи жараёнида шу каби саволлар ўртага ташланиб, уларга жавоб изланди. Муҳокамалар жараёнида асосий эътибор ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар, иқтисодий кўрсаткичлар, таҳлиллар ва натижаларга қаратилди.

Тақдим этилган ҳисоботларда давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси “2020 йил учун Давлат бюджети тўғрисида”ги қонунда белгиланган бюджет параметрлари доирасида амалга оширилиб, муайян қисми пандемия оқибатларини бартараф этишга қаратилгани қайд этилди. Унга қўра, эпидемия сабаб юзага келган режадан ташқари харажатларга қарамай, 2020 йилнинг 9 ойи якунига қўра, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,4 фоиз ўсган.

Давоми 3-бетда

Муносабат

КИНО — ТАРБИЯНИНГ ЗАМИНИ

Бошланиши 1-бета

Ушбу ҳужжатларда ўзбек кинематографиясининг стратегияси, киноиндустрияни ривожлантириш, соҳага бозор механизмларини жорий этиш бўйича вазифалар белгиланди.

Халқимиз маънавий савиясини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий кинонинг ўрни беқиёс. Ўзбек кино санъатининг ўз йўли ва анъаналари, санъатимиз даргалари ижросида яратилган унутилмас картиналаримиз бор. Мустақиллик йилларида ана шу анъаналарни давом эттирадиган, киноиндустрия бўладиган асарлар яратилди. Аммо ўтган асрда жадал фаолият билан ишлаган киноиндустрия корхоналари яқин ўн йиллар да-

вомида турғунлик даврини бошдан кечирди. Асосан енгил-елпи, тижорат картиналари яратилиб, соҳа ривожинанча оқсади.

Сифатли фильмлар яратиш учун моддий-техник база етарли эмаслиги, фильмларга ажратиладиган бюджет маблағлари камлиги, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўлақонли йўлга қўйилмагани, кинотаялм масаласига жиддий ёндашилмагани мазкур санъат ривожига тўсиқ бўлди.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш, миллий кинематографияни бугунги замонга мос ривожлантириш бўйича сўнгги йилларда сезиларли қадамлар ташланди. Соҳага эътибор ва рағбат берилгани боис, киноасарлар мазму-

ни ўзгарди. Хусусан, “Имом Термизий”, “Испомхўжа”, “Элпарвар”, “Қўқон шамол”, “101”, “Ибрат” каби тарихий фильмлар ишланди.

Президентимиз “Ўзбекфильм” студиясига ташрифи чоғида кино санъати фахрийлари, режиссёрлар, соҳа мутахассислари билан ҳам суҳбатлашди.

— Кино жуда мураккаб, халқимиз, жамиятимиз учун муҳим соҳа, — деди Шавкат Мирзиёев учрашувда. — Илгари “Ўзбекфильм” студияси хароба ҳолга келиб қолганди. Қўп жойлари, бинолари ижарага бериб

юборилганди. Мана, ҳаммаси ўз эгасига — киночиларга қайтарилди.

Глобаллашув ва интернет ҳаётимизни ўзгартираётган бугунги кунда кино санъати одамлар диди ва эътиборини қозониши учун рақобатбардош бўлиши лозимлиги таъкидланди. Мамлакатимизда киноижодкорларга эътибор қаратилаётгани, соҳанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, бадий етук асарлар яратиш рағбатлантирилиши қайд этилди.

— Охириги йилларда яратилган киноларимизнинг сони кам бўлса ҳам маъноси бор, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ўзбек томошабини фақат чет эл

телесериаллари таъсирига тушиб қолмаслиги, аксинча, тарихимиз, санъатимиз, адабиётимиз, кадрларимизни яхши билиши, шу руҳда тарбия топиши керак. Кино — тарбиянинг замини. Бу ижоднинг мактабини очишимиз керак. Ҳозир мукаммал фильмлар яратишга ҳавасимиз бор, лекин сифатлиси кам. Юртимиз тарихи ҳақида, албатта, фильм бўлиши керак. Бунга вақт келди.

Энг сара ўзбек фильмлари юзталигини тузиб, давлат ва хусусий телеканалларда намоиш қилиш бўйича тавсиялар берилди. Президентимиз миллий кино санъатимиз

фидойиларини эътироф этиш мақсадида ҳар бир ҳудуд умумтаълим мактабларига Раззоқ Ҳамроев, Шуккур Бурхонов, Наби Раҳимов, Ҳамза Умаров, Лутфихоним Саримсоқова каби эл севган ижодкорлар номини беришни таклиф қилди.

Бундан ташқари, жаҳон киносаноати ютуқларини ўрганиш ва татбиқ этиш, ижодкорлар малакасини ошириб бориш бўйича фикрлар билдирилди. Шунингдек, болалар учун киностудия ташкил қилиш ғояси ҳам илгари сурилди.

Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ,
“Ўзбеккино” Миллий агентлиги Бош директори:

— Юртимизда иқтидорли ижодкорлар жуда кўп. Мана шундай ёшлар Россия давлат кинематография институтига ўқишга юборилади. Давлатимиз раҳбари томонидан миллий сериалларимизни кўпайтиришга қўрсатма берилди. Айни вақтда 12 та сериал яратиш ҳаракатидамиз. Бунинг учун хусусий телеканаллар билан ҳамкорлик қилинади.

Биз шифокор ва ўқитувчилар ҳақида сериал олишни ҳам режалаштирганмиз. 2021 йилнинг бошидан сериаллар намоиши бошланади.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай кино ёки сериалнинг сифати, энг аввало, сценарийга боғлиқ. Яхши сценарий бўлмаса, яхши маҳсулот ҳам

бўлмайди. Бунинг учун барча зарур чора-тадбирлар қўрилган.

Албатта, биз қиладиган иш томошабин ва мутахассислар томонидан ижобий баҳоланиши ҳам, танқид қилиниши ҳам мумкин. Бу бизнинг биринчи, илк қадамларимиз. Ишимизнинг сифатини таъминлаш мақсадида, масалан, шифокорлар ҳақида олинadиган сериалда, албатта, Соғлиқни сақлаш вазирлигидан, ўқитувчилар ҳақида олинadигани фильмда эса Халқ таълими вазирлигидан мутахассислар жалб қилинади.

Дунё тажрибасида оммалашган сценарийлар асосида қайтадан сериал олиш амалиёти мавжуд. Биз ҳам шундай йўл тутиш ҳақида уйлаб қўйганмиз.

Хорижда севиб томоша қилинадиган сериалларнинг ўзбекча варианты ҳам чиқиб қолиши мумкин. Аммо бунинг учун юридик жиҳатдан жуда катта иш олиб бориш керак.

Ҳамидулла ҲАСАНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

— Президентимизнинг кино соҳасига қаратаётган жуда катта эътибори биз ижодкорларни бағоят мамнун қилди. “Ўзбекфильм” биноси ҳозирги кунда таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетди. Бу бинода охириги марта 1986 йилда декорация қўрилганини биламан. Бу ер ташландиқ бир масканга айланиб қолган, хоналар кириб бўлмайдиган даражада қаровсиз аҳволда эди. Қўп нарсалар ишлаб чиқариладиган, фақат фильм ишлаб чиқарилмасди. Ҳозирги кунда декорацияларни, ёритиш ускуналарини, техник жиҳозларни кўриб ҳавасимиз келяпти. Биз ишлаган пайтда бунақа анжомлар бўлмаган, бундай шароитлар ҳақида орзу-ҳавас қилар эдик, холос, бугун ниятларимиз ушалди, орзу қилган кунларимизга етиб келдик.

Ойбек КАРИМОВ,
кинорежиссёр:

— Жуда кўп давлатларда кино суратга олишда декорациялардан кенг фойдаланилади. Бу қийинчилик туғдирмайди, аксинча жуда қулай. Декорациялар шифокорлар ҳақидаги фильмни суратга олишимизда бизга ҳар томонлама қўп келади. Чунки суратга олиш гуруҳи 15-30 нафар ходимдан иборат, уларнинг касалхонага, шифокорлар ҳузурига кириб боришини тасаввур қилаверинг, айниқса, ҳозирги пандемия шароитида. Декорациялар орқали эса биз ҳар қандай ҳолатни акс эттира оламиз. Умуман нотабиийлик сезилмайди бунда. Хоҳлаган сюжетимизни кўнгилдагидек оламиз. Шу кунгача “Нажоткорлар” телесериалининг 10 та қисмини суратга олиб бўлдик. Ҳозир навбатдаги 11-12-қисмларини суратга олиш ишларини бошлаганимиз. Энг муҳими, суратга олиш жараёнида умуман қийинчилик сезмадик.

Бугунга келиб “Ўзбекфильм”даги барча павильонлар таъмирланиб, янги картиналар суратга олиш учун шароит яхшиланди. Мазкур киностудия ва ҳужжатли фильмлар студиясини замонавий техникалар билан жиҳозлаш давом этмокда.

— Охириги йилларда яратилган киноларимизнинг сони кам бўлса ҳам, маъноси бор, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ўзбек томошабини фақат чет эл телесериаллари таъсирига тушиб қолмаслиги, аксинча, тарихимиз, санъатимиз, адабиётимиз, кадрларимизни яхши билиши, шу руҳда тарбия топиши керак. Кино — тарбиянинг замини.

Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси маданият вазири:

— Давлатимиз раҳбари “Ўзбекфильм” киностудиясида амалга оширилган ишларни кўздан кечириб, соҳа ижодкорлари билан суҳбатда бўлди. Унда кинематография соҳасида бадий жиҳатдан етук асарлар яратиш, замонавий киноиндустрияни ривож-

лантириш, жумладан, янги кинотеатрлар қуришни таъминлаш масалалари хусусида сўз борди.

Тан олиш керак, кейинги йилларда кино саноатида муайян ютуқларга эришилгани, оз бўлса ҳам мазмун ва шакл жиҳатидан ранг-баранг кино асарлар яратилиб, томошабинлар эътиборини қозонгани бор гап. Аммо олдимизда янада сифатли, мазмунан баркамол асарлар яратиш вазифаси турибди. Зеро, кино санъати инсон савияси юксалишида муҳим роль ўйнайди. Шу боис, ғояси ва тарбиявий аҳамияти юқори бўлган бадий фильм ва сериаллар яратиш зиммамиздаги масъулиятли юмуш саналади.

Баҳодир ОДИЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
Ҳужжатли фильмлар киностудияси директори:

— Учрашувдан кейин биз, киночиларда ғоят кўтаринки кайфият уйғонди. Сабаби, Президентимиз учрашув бошида йиғилганларга қарата: “Кино жуда мураккаб, халқимиз, жамиятимиз учун муҳим соҳа. Илгари “Ўзбекфильм” студияси хароба ҳолга келиб қолганди. Қўп жойлари, бинолари ижарага бериб юборилганди. Мана, ҳаммаси ўз эгасига — киночиларга қайтарилди”, дегани барчани тўлқинлантириб юборди. Бу ҳайроҳоҳлик, бу шижоат бизга катта қўл бағишлади. Йўлайманки, бугун ўзбек киносининг қайтадан туғилиш даври келди ва бу янги-янги сеvimли фильмлар яратишда муҳим омил бўлади.

Декорациялар орқали эса биз ҳар қандай ҳолатни акс эттира оламиз. Умуман нотабиийлик сезилмайди бунда. Хоҳлаган сюжетимизни кўнгилдагидек оламиз.

Матёкуб МАТЧОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист,
Ўзбекистон кино арбоблари ижодий уюшмаси раиси:

— Бугун “Ўзбекфильм”, ўзбек киноси қайта туғилди. Мана шу даргоҳни таъмирлаш учун 30 йилдан бери битта мих урилмаган эди. Кино соҳасига ривожланиш жуда жадал суръатда кириб келди. Бундай гўзал бинода, павильонларда фақат халқимизнинг юрагидан жой оладиган кинолар яратилади. Киноижодкорларга шундай ҳурмат, шундай эътибор бўлаётган экан, албатта, биз ҳам “лаббай” деб жаовб беришимиз керак. Бир-икки йил ичида анча-мунча фильмлар устида ишлаймиз. Насиб қилса, ҳаммаси экран юзини кўради, амалга оширган ишларимизга экранда гувоҳ бўласизлар.

Шухрат РИЗАЕВ,
“Ўзбеккино” Миллий агентлиги
Бош директорининг биринчи ўринбосари:

— Давлатимиз раҳбарининг шу йил 20 ноябрда мамлакатимиз киноарбоблари ва ижодкорлари билан учрашуви ва мулоқоти шубҳасиз Ўзбекистонда кинематография масалаларига муносабат ва эътиборнинг янги босқичга кўтарилишига хизмат қиладиган тарихий ҳодиса бўлди. 2017 йил августидан бошланган шундай эътибор бугунги кунга келиб, янада янги ва долзарб бўлган маънавий-маърифий йўналишда давлат сиёсати даражасида олиб борилаётган кенг миқёсли ишларга муҳим ҳисса бўлиб қўшилиди.


Ўтган 3 йил давомида юздан орттиқ бадий, ҳужжатли ва анимацион фильмлари яратилиб, томошабин ҳуқуқига ҳавола этилди. Айниқса, тарихий мавзуларда яратилган “Имом Исо Термизий”, “Испомхўжа”, “Элпарвар”, “Қўқон шамол”, “Абдулла Авлоний”, “Ибрат”, “Саид билан Саида”, “Берлин-Оққўрғон”, “Илҳақ” каби қатор фильмлар миллий ўзбек киносининг янги даврга қадам қўйганини, тарихни англаш, бадий идрок этиш орқали ўзгичани англаш, ўз юрти ва унинг тарихига дахлдорлик хиссини тарбиялаш, ватанпарварлик, гурур, ифтихор туйғуларини ўстириш ва тоблаш маъносида дадил ва залворли қадам бўлди. Янги-янги ижодий имкониятлар ва янги ёш ижодий қучлар, истеъдодли кино ижодкорлар авлоди шаклланиши ва миллий кинооламага кириб келишига имкон яратди.

Ўзбекистон Президенти мана шу янгиланган эътироф этган ҳолда, кам бўлса-да, сифатли фильмлар яратиш, 3 йиллик оралиқда кинематография моддий-техник базасини кучайтириш, хароба ҳолига келиб қолган “Ўзбекфильм” киностудиясини тўлиқ капитал таъмирлаш, яъни, энг

замонавий техника билан жиҳозлаш, киноижодкорлар ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ муҳим ҳаётий муаммоларни ҳал этиш борасидаги дастлабки тарзда амалга оширилган ишларнинг ўзига хос сарҳисоби билан танишиди ва бир қатор амалий таклифлар, ҳулосаларини билдирди.

Кинонинг ҳозирда мафкура, маънавият, тарбия, ватанпарварлик борасида низоҳатда муҳим восита эканини таъкидлаб, бу йўналишда ҳар қандай вазиятдан қатъи назар, давлат эътибори ва кўмаги мунтазам равишда давом этишини, эндиликда Учинчи Ренессанс миллий ғояси билан боғлиқ буюк аллома, мутафаккир, жадидларимиз ҳақида алоҳида бадий фильмлар яратиш бугунги Янги Ўзбекистонни барпо этишда амалга оширилаётган замонавий, тарихий жараёнларни ва қаҳрамонларни кино тасмаларга муҳрлаш, 20 сериядан иборат Ўзбекистон тарихи ҳақида бадий-публицистик туркум фильм яратиш, мамлакат телевидение каналларида энг зарур эфир вақтида хорижий сериаллар ўрнига миллий фильмларимизни тизимли асосда мунтазам намоиш этиш учун 100 та миллий бадий фильмларимиздан иборат жамланма шакллантириш хусусида қатор вазифалар белгиланди.

Мамлакатимиз раҳбари маълум сабабларга кўра, бузиб ташланган “Кино уйи”нинг янги мухташам саройини, кинематографистлар учун 2 та имтиёзли кўп қаватли уй-жой бинолари ва бошқа зарур қурилмаларни “Ўзбекфильм” киностудияси ҳудудида киношаҳарча шаклида барпо этиш фикрини илгари сурди. Бу ва яна қатор янги амалий таклиф ҳамда мулохазалар миллий киноимизни янги юксак босқичга кўтариш учун хизмат қиладиган ва кино ижодкорларини миллий ва жаҳон уфқлари сари интилиш ва изланишларга рағбат беради, албатта.





ВОДОРОД КЕЛАЖАК ЭНЕРГИЯСИНING МУҲИМ БЎҒИНИ БЎЛА ОЛАДИМИ?

Соҳиба МУЛЛАЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Жуда кўплаб ер ости ва ер усти бойликларига эга мамлакатлардан биримиз. Аммо бугун мўл-кўл бўлиб турган ресурс бир кун келиб, тугаши мумкин. Табиий ресурсларнинг муқобил варианты ҳақида уларнинг охири кўриниб қолгандагина ўйлаш бефойда ва самарасиздир. Бу ҳақда ҳозир қайғуришимиз керак.

Барчамизга кимё фани орқали таниш бўлган Н₂, яъни водород бугунги кунда инсоният учун умид учқуни бўлиб турибди. Водород — синтетик ёқилғи бўлиб, қумир, нефть, табиий газдан ёки сувнинг парчаланishiдан олиниши мумкин. Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёда йилга 20 миллион тонна водород истеъмол қилинади. Ушбу микдорнинг ярми аммиак ва ўғитларни ишлаб чиқаришга сарфланса, қолгани олтингугурт, қумир ва бошқа ёқилғиларни гидрогенлаш учун қўлланилади. Замонавий иқтисодиётда водород энергия хомашёсидан кўра, кўпроқ кимёвий ҳисобланади. Халқаро экспертлар фикрича, 2050 йлга келиб, жаҳон энергетикасида водород энергиясининг улуши 18 фоиз, аср сўнгига келиб эса 40 фоиздан ортиқни ташкил этади.

Водороднинг яна бир муҳим хусусияти, у ёнганда ўзидан захарли ажратма чиқармайди. Хўш, экологик хавфи йўқ бу манбадан фойдаланишнинг юртимиздаги истиқболи қандай? Бизда ҳам бошқа табиий бойликлар қатори водороддан самарали фойдаланиш йўлга қўйиладими?

Президентимизнинг 2020 йил 10 июлдаги “Иқтисодиётнинг энергия самардорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодий тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини қайтаришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан иқтисодий тармоқларининг йирик энергия сарфловчи корхоналарида энергия самардорлигини ошириш ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди. Бу “йўл харитаси”нинг 15-бандида водород энергетикасини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли миллий стратегияни ишлаб чиқиш вазифаси ҳам белгиланди.

КОМПЕНСАЦИЯЛАШ МАНБАИ

— Ўзбекистонда куёш ва шомол энергетикаси катта истиқболга эга, бироқ ривожланишига тўсқинлик қилаётган энг муҳим сабаблардан бири уларнинг об-ҳаво шароити ўзгариши ва кун-тун алмашинувига боғлиқлигидир, — дейди Инновацион ривожланиш вазирлиги ёқилғи-энергетика тармоғини ривожлантириш бўлими бош мутахассиси Шухрат Исаев. — Шомол электр генераторлари фақат шомол тезлиги 5-6 м/с.дан баланд бўлганда ишлайди. Юртимизнинг шомол потенциали юқори бўлган ҳудудларида йилга ўртача 3200-4300 соат давомида энергия олинади (йилнинг давомийлиги 8760 соат).



Куёш фотоэлектр станциялари эса фақат кундузи, булутсиз ва кам булут бўлган ҳолда ишлаб, Ўзбекистоннинг куёш потенциали юқори бўлган ҳудудларида йилга ўртача 1500-2200 соат давомида энергия беради.

Тунда, булутли ёки шомолсиз вақтларда ўзгарувчан қайта тикланувчи энергия манбалари (ҚТЭМ)лар ҳисобидан ишлаб чиқариладиган энергия микдори пасайиб кетади ва бу пасайиш бошқа манбалар ҳисобига компенсация қилишни талаб этади. ҚТЭМлар улуши сезиларли ошиши билан компенсацияловчи тезкор захира қувватлари керак. Бундай мақсадда иссиқ ҳолда ушлаб туриладиган иссиқлик электр станцияси блокларидан, зарядлаб қўйиладиган кимёвий аккумуляторлардан фойдаланиш етказиб бериладиган ҳар бир кВт. электр энергияси таннархининг сезиларли даражада ошишига олиб келади. Ўзгарувчан ҚТЭМлардан олинadиган энергия микдори кўп бўлганда, унинг бир қисми ҳисобига сувни парчалаб водород гази олиш, муайян вақт сақлаш ва бу газни энергия танқис бўлганда ишлатиб, компенсациялаш манбаи сифатида фойдаланиш мумкин.

ҚАЙСИ СОҲАЛАРДА ИШЛАТИЛАДИ?

Водород, асосан, аммиак ва метанол олишда ишлатилади. Бундан келиб чиқадики, унинг асосий истеъмолчиси кимё саноати. Қолаверса, нефтни қайта ишлашда нефть маҳсулотларини олтингугурт бирикмаларида тозалашда ҳам унинг ёрдамига таянилади.

Энергетикада эса водород юқори қувватга эга турбогенераторларни совитиш учун қўлланилади. Қора ва рангли металлургияда оксидлардан тикланувчи тоза металллар олишда водород кўп келади.

— Водороднинг кислородда ёниш ҳарорати тахминан 3000 даража, махсус ёндиргичларда 4000 даражагача чиқариш мумкин, — дейди Шухрат Исаев. — Шу сабабли водороддан оловга чидамли металлларни қавшарлаш учун фойдаланилади. Шунингдек, суяқ водород ракета ёқилғиси сифатида ҳам ишлатилади. Кейинги йилларда водород ёқилғисидан, айнан энергия аккумулятори сифатида ишлатилиши мумкин бўлган “яшил водород”дан фойдаланиш йўналиши ривожлана бошлади. Бу “яшил” водород ҚТЭМ станцияларида ишлаб чиқариладиган энергиянинг ортиқча қисмидан фойдаланган ҳолда, сув (Н₂O) молекулаларини электролиз ёки пиролиз технологиялари ёрдамида 2 та водород атоми (2Н) ва кислород атоми (O)га парчалаш йўли билан олинади. Бу жараён экологик тоза бўлиб, атмосферага фақат тоза кислород ташланиши билан кечади. Ажратиб олинган водород ишлатилгунча қадар махсус сигимларда сақланади. Шунингдек, водород истеъмол манзилига кам қувурлар орқали, ҳам транспорт воситаларига ўрнатилган цистерналарда етказилиши мумкин.

Водород, шунингдек, ёқилғи ва ёқилғи элементлари сифатида ишлатилади. Унинг ёниши жараёнида фақат сув бўлган ажралиб чиқади. Ёниш жараёнида олинган иссиқлик энергияси бевосита иссиқлик энергияси сифатида ишлатилиши ҳам, шунингдек, иссиқлик электр станцияларида электр энергиясига айлантирилиши ҳам мумкин.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, “яшил” энергетика нуктаи назаридан во-

Юртимизнинг шомол потенциали юқори бўлган ҳудудларида

йилига ўртача **3200-4300** соат давомида энергия олинади (йилнинг давомийлиги

8760 соат). Куёш фотоэлектр станциялари эса фақат кундузи, булутсиз ва кам булут бўлган ҳолда ишлаб, Ўзбекистоннинг куёш потенциали юқори бўлган ҳудудларида йилга ўртача

1500-2200 соат давомида энергия беради.

дородли ёқилғи элементларида фойдали иш коэффициентини (ФИК) ўта юқори бўлиб, 70-90 фоизни ташкил этади. Масалан, энг яхши ички ёнув двигателларининг ФИКИ 35-40 фоиз бўлса, куёш электр станциялари учун бу кўрсаткич атиги 15-20 фоизни ташкил қилади ва у об-ҳаво шароитига ўта боғлиқ. Энг яхши шомол электр станцияларининг ФИКИ 40 фоизгача чиқади, бу буғли генераторлариникига тенг, лекин шомол станциялари ҳам қулай об-ҳаво шароитини ва қимматбаҳо хизмат кўрсатишни талаб қилади. Амалда исталган қувватдаги хавфсиз водород батареяларини тайёрлаш имконияти уларни ҳам уй хўжаликларида, транспорт, фазо кемаларида, йирик саноат объектларида электр энергияси манбаи сифатида ишлатиш имконини беради.

ҚАЧОН КЕНГ ҚўЛЛАНИЛАДИ?

“Яшил” энергетиканинг фойдали жиҳатлари ва қайси соҳаларда кўпроқ қўлланилиши ҳақида гапирдик. Таъкидланганидек, водород экологик хавфсиз ва фойдали энергия. Аммо уни сувдан ажратиш учун қўшимча энергия талаб қилиниши ҳисобига таннархи қимматлашади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги 2019-2020 йиллар давомида водород энергетикаси технологияларини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларни илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасидаги инновацион ва амалий лойиҳалар танловларида эълон қилиб келмоқда, — дейди Шухрат Исаев. — Танловда ғолиб бўлган лойиҳалар Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини кўллаб-қувватлаш жағмармаси томонидан молиялаштирилмоқда. Яқинда бўлиб ўтган InnoWeek.uz—2020 онлайн инновацион ғоялар ҳафталиги доирасида “Водород энергетикаси ва унинг қайта тикланувчи энергия манбалари ривожланиши” мавзусида халқаро инновацион инвестицион форум ҳам ўтказилди. Унда турли давлатлардан 70 нафардан ортиқ иштирокчи қатнашди. Тadbир давомида Ўзбекистоннинг қайта тикланувчи энергия салоҳиятига эга ҳудудлари, водороднинг келажак энергиясининг асосий бўғини бўлиши имкониятлари, қайта тикланувчи манбалар энергиясини захиралашда водороднинг ўрни, Ўзбекистонда водород энергетикасини ривожлантиришда ёқилғи элементларидан фойдаланиш истиқболлари масалаларига оид маърузалар тақдим этилди. Мамлакатимизда муқобил энергия манбаси ҳисобланган водород энергетикаси соҳасида тадқиқотларни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсади қўйилди. Бу изланишлар ҳозир бошланиш даврини ўтаётгани сабаб етарли эътибор берилган республикамиз соҳада ўзига хос ва лойиқ ўринини эгаллаши мумкин.

Мутахассис фикрича, водород энергетикасини ривожлантириш учун, биринчи навбатда, Ўзбекистон шароитига тўғри келадиган “яшил” водород ишлаб чиқариш технологияларини яратиш керак. Бунда водород энергетикаси технологиялари илмий инновацион марказини ташкил этиш ва унга етук кадрларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Жараён

Ўзбекистон аҳолисини 2023 йилда рўйхатга олиш пухта тайёргарликка асосланади

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Жаҳон тажрибасида мамлакат аҳолисининг аниқ сони, ёши, жинси, фуқаролиги, миллий таркиби, оилавий аҳволи, касби, бандлиги, даромад манбаи ва бошқа жиҳатлар бўйича батафсил маълумот тўплашнинг энг самарали усули аҳолини рўйхатга олиш ҳисобланади. Шу боис, 2023 йилда мамлакатимизда илк бор ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларига ҳозирдан жиддий тайёргарлик қўрилмоқда.

БМТ ўзининг 2015 йилдаги резолюциясига, асосан, аъзо давлатларга ҳар ўн йилда камида бир марта аҳолини рўйхатга олиш амалиётини ўтказишни тавсия этади. Хўш, бу бизга нима беради? Биринчи навбатда, республика аҳолиси ва унинг турмуш шароити тўғрисидаги ишончли маълумотлар айнан аҳолини рўйхатга олиш орқали шакллантирилади. Масалан, Фарғонада неча киши ишсиз? Андижонда неча оила уй-жойга муҳтож? Сирдарёда яна неча таълим муассасаси қуриш лозим? Қашқадарёда аҳоли хонадонлари, асосан, қайси йилларда қурилган? Тошкент шаҳрида ас-

Аҳолини рўйхатга олиш жараёнларини халқаро талабларга мос ва сифатли ўтказишда картографик материалларнинг аниқлиги ҳам муҳим. Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда аҳолини рўйхатга олиш учун зарур бўлган микдорда картографик материаллар (шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг схематик режалари ва хариталари) билан таъминлаш вазифаси юклатилди. Аҳоли пунктлари ва кўчаларнинг



лида қанча киши истиқомат қилади ва ҳоказо. Аҳолини рўйхатга олиш амалиёти шу каби кўплаб саволларга жавоб, муаммоларга ечим топиш имконини яратади.

— Кўпчилик аҳолини рўйхатга олиш амалиётини статистик маълумотлар тўплаш тадбирларининг бир кўриниши, деб тушунади. Аммо бу шунчаки статистика эмас, балки мамлакат аҳолисининг муайян бир вақтдаги фотосуратини қўриш имкониятини берадиган йирик миқёсдаги тадбирдир, — дейди Давлат статистика қўмитаси Рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш бошқармаси бошлиғи Қобил Бердиқулов. — Давлат даражасидаги кенг қўламли, кўп вақт ва маблағ талаб этадиган мазкур тадбирни ўтказиш учун халқаро талабларга мувофиқ 2-3 йил давомида тайёргарлик қўриш талаб этилади. Ушбу амалиёт мустақиллик йилларида республикамизда илк бор ўтказилаётганини инобатга олиб, уни ташкил этишга пухта тайёргарлик қўриш мақсадида 2020 йил 11 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, мамлакатимизда аҳолини рўйхатга олиш 2023 йил 1-25 ноябрь кунлари амалга оширилади.

СИНОВ ҲУДУДЛАРИ ТАНЛАБ ОЛИНГАН

Аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга қўмаклашиш учун Президентимиз фармони билан тасдиқланган, таркиби бир қатор вазирлик ва идоралардан иборат республика комиссияси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги ҳудудий комиссиялар шай олиб боради. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, жараёнга 150 мингдан ортиқ ходим жалб қилиниши режалаштирилган.

Аҳолини рўйхатга олиш ишлари учта босқичдан иборат бўлиб, белгиланган амалиётга киришилгунга қадар 2020-2023 йилларни ўз ичига олувчи тайёргарлик жараёнини олиб борилади. Қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда синов тарихида аҳолини рўйхатга олиш дастурига мувофиқ, 2021 йилнинг 1-25 ноябрь кунлари Андижон вилоятининг Хўжаобод тумани, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани, Хоразм вилоятининг Тива шаҳри ҳамда Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида синов тарихида аҳолини рўйхатга олиш ишлари амалга оширилади. Бунда уни ташкил этиш жараёнлари, рўйхатга олиш усуллари, дастури, саволномалари, услубий қўлланма ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари аниқий синовдан ўтказилади. Натижалар асосида аниқланадиган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар қўрилади.

— Тайёргарлик жараёнидаги энг муҳим масала аҳоли ўртасида рўйхатга олишда фаол иштирок этиш бўйича тарғибот ишларини олиб бориш ҳисобланади, — деди Қобил Бердиқулов. — Шу мақсадда Давлат статистика қўмитаси томонидан тадбирнинг шори ва логотипи ишлаб чиқилиб, аҳолини рўйхатга олишнинг расмий веб-сайти (aholi.stat.uz) яратилди. Рўйхатга олувчиларни танлаш ва ўқитиш масаласи ҳам ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга. Чунки маълумотларнинг тўғрилиги бевосита уларнинг малака ва амалий қўникмаларига боғлиқ. Шу боис, жараёнга жалб этиладиган ходимлар Давлат статистика қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлиmlари томонидан режа-жадвал асосида махсус ўқитилади. Улар учун услубий қўлланма ва видеодемонстрациялар ишлаб чиқилиб, зарур ҳолларда қўшимча маслаҳатлар берилади.

ном белгиларини ўрнатиш, хонадон ва уйларни тўлиқ рақамлаш ишларини якунига етказиш вазифаси қўйилди. Миллий гвардия ва ички ишлар органларига эса аҳолини рўйхатга олиш ишларига жалб этиладиган ходимлар хавфсизлигини таъминлаш топширилди.

ҚАНДАЙ ШАКЛДА ЎТКАЗИЛАДИ?

Тайёргарлик босқичи аниқ ва сифатли якунига етказилгач, 2023 йилнинг ноябрь ойида аҳолини рўйхатга олиш бошланади. Қарор билан белгиланган Шахсга доир маълумотларни йиғиш тартибига кўра, рўйхатга олиш ишлари икки хил усулда — қоғоз шакли ҳамда интернет тармоғи орқали амалга оширилади.

Биринчи усулда рўйхатга олувчи ходимлар уйма-уй юриб, сўров ўтказида ва саволлардан иборат варақани респондентларнинг сўзлари асосида тўлдиради. Бунда рўйхатга олиш ишлари беш хил шаклдаги сўровнома — турар жойнинг хусусиятлари ва унда яшовчилар рўйхати, шахсга оид саволнома, Ўзбекистон Республикасига вақтинча келган чет эл фуқаролари учун саволнома, аҳолининг айрим тоифаларига нисбатан шахсга доир маълумотларни йиғиш бўйича саволнома ҳамда вақтинча турган жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун назорат варақаси бериш асосида ўтказилади.

Сўровномалар асосий демографик кўрсаткичлар, аҳолининг механик ҳаракати, миграцияси, миллий хусусиятлари, фуқаролиги, таълим даражаси, уй хўжалиги аъзоларининг иқтисодий ҳолати, болалар сонига оид саволлардан иборат бўлади. Яшаб турган хонадонда рўйхатдан ўттишни истамаган респондентлар учун рўйхатга олиш сўровномаларини тўлдирш уларнинг ўзлари яшаб турган маҳалларда ташкил этиладиган инструментлик участкаларида амалга оширилади. Респондентлар томонидан тақдим этилган шахсга доир маълумотларнинг маҳфийлиги ва уларнинг мазмунини ошкор этилмаслиги рўйхатга олувчи томонидан қафолатланади.

Иккинчи усулда респондентларга қулайлик яратиш мақсадида интернет тармоғи орқали рўйхатдан ўтиш имконияти яратилади. Бунда сўровномалар аҳолининг ўзи томонидан махсус дастур орқали тўлдирилиб, белгиланган электрон манзилга ҳўжатилади.

— Аҳолини рўйхатга олишнинг бирамчи маълумотлари ҳудудий статистика бошқармалари ҳузурида ташкил этиладиган марказларда махсус дастурий таъминот асосида 2024 йил 1 январдан 31 декабрга қадар операторлар томонидан электрон базага кириштилади, — дейди Қобил Бердиқулов. — Ишчи гуруҳ ходимлари томонидан тайёрланган илгма рўйхатлар натижалари асосида шахар ва қишлоқлар, шу жумладан, эркаклар ва аёллар бўйича аҳоли сони тўғрисидаги дастлабки маълумотлар 2024 йил 1 мартга қадар тайёрланади. Аҳолини рўйхатга олишнинг электрон маълумотлар базаси 2025 йил 1 декабргача таҳлил этилади ва якуний маълумотлар республика ҳамда ҳудудлар бўйича шакллантирилиб, расман эълон қилинади.

Мазкур вазифаларнинг бари тизимли равишда амалга оширилгани ҳолда, рўйхатга олиш орқали республика аҳолиси ва унинг фаровонлиги тўғрисида ишончли маълумотлар тўпланади. Улар аҳоли сони, таркиби ва тақсимланиши бўйича тўлиқ базани шакллантириш билан бирга, Миллий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш, уларда фойдаланиладиган демографик ўзгаришлар тенденциялари, меҳнат ресурслари жойлашувини ўрганиш ҳамда илмий тадқиқотлар олиб боришда қўл келади.

Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади

МУСТАҚИЛ ФИКРГА ЭГА ЁШЛАР КЕРАК

Насриддин НАЗАРОВ,
Тошкент архитектора-қурилиш
институти профессори,
сиёсий фанлар доктори,

Низомиддин БЕРДАЛИЕВ,
Тошкент архитектора-қурилиш
институти доценти,
сиёсий фанлар номзоди

Бошланиши 1-бетда

Унда нафақат умумий ўрта мактаб, балки мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, олий таълим даргоҳларининг моддий-техник базасини яхшилаш, ўқув биноларини қайта реконструкция қилиш, ёш ва етук мутахассислар тайёрлаш, ёшларга жаҳон андозаларига мос ҳолда билим олишлари учун шaroит яратиш, уларнинг чет давлатлардаги нуфузли олийгоҳларда таҳсил олишларига кенг йўл очиб берилган.

Давлатимиз раҳбари сўнги йилларда таълим соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотларга эътибор қаратиб, жумладан, шундай деди: “Фарзандларимиз мактабдан қанчалик билимли бўлиб чиқса, юқори технологияларга асосланган иқтисодиёт тармоқлари шунча тез ривожланади, кўплаб ижтимоий муаммоларни ечиш имкони туғилади. Шундай экан, Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади десам, ўйлайманки, бутун халқимиз бу фикрни қўллаб-қувватлайди”. Дарҳақиқат, мактаб таълим ва тарбия ўчоғи сифатида жамиятнинг ижтимоий-маънавий ривожига хизмат қилади, бу эса бугунги маънавий ва маърифий янгиланишлар шароитида ўта муҳим омил саналади.

Амалдаги “Таълим тўғрисида”ги қонун 16 (аввалгиси 9) тамойилга асосланган. Бу тамойиллар мамлакатимизда ёшларнинг саводхонлик даражасини кўтариш, уларни чуқур билимли ва ҳар жиҳатдан етук шахс сифатида тарбиялаш, истеъдод ва интилишларини рўёбга чиқариш давлат томонидан қўллаб-қувватлашишга асос бўлиб хизмат қилади.

“Таълим тўғрисида”га қонунда фуқароларнинг таълим олишга доир конституцийий ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида одилона ва юксак инсонпарварлик тамойиллари белгилаб қўйилган. Хусусан, мазкур қонуннинг “Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари” деб номланган 4-моддасида белгиланган таълим устуворлигининг тан олиниши, таълим олиш шаклини танлаш эркинлиги, таълим олишга доир тенг имкониятлар таъминланиши каби тамойиллар миллий таълимнинг демократик характериғни ифодалайди. Шунингдек, таълим ва тарбияга миллий ҳамада умуминсоний қадриятларнинг сингдирилганлиги, унинг



инсонпарварлик хусусияти, узлуксизлиги ва изчиллиги, ўн бир йиллик таълим ҳамда олти ёшдан етти ёшгача бўлган болаларни бир йил давомида умумий ўрта таълимга тайёрлашнинг мажбурийлиги ҳам баркамол авлоднинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Таълим стандартлари ва талаблари асосида билим олишнинг ҳамма учун очиклиги, ўқув дастурларини танлашга доир ёндашувнинг ягоналиги ва табақалаштирилгани, инсоннинг бутун ҳаёти давомида таълим олиши, жамиятда педагогларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг қафолатланганлиги, таълим тизимининг дунёвий хусусиятга эгаллиги, билимли, қобилиятли ва истеъдодли ёшларни рағбатлантириш, таълим тизимида давлат ва жамоат бошқаруvinинг уйғунлиги, соҳадаги очиклик ва шаффофлик каби тамойиллар янги авлодда янгича ижтимоий тафаккур ва дунёқарашнинг шаклланишига хизмат қилади.

Президентимизнинг 2016 йил 29 декабрда қабул қилинган “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тубдан ўзгартириш, уларда янгича тарзда иш олиб боришни таъминлашга қаратилган. Унда

болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун барча шарoитни яратиш, мактабгача таълим сифатини ошириш, болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш мақсадида таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий, илғор таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш кўзда тутилган. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида 5-6 ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш бўйича 6 100 та қисқа муддатли гуруҳ ташкил этиш, замонавий педагогик технологиялар ва услубларни инoбатга олган ҳолда педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш каби вазифалар белгиланган бўлиб, бугунги кунда бу борада кенг қўлланми ишлар олиб бoрилмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 9 сентябрда қабул қилинган “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам ушбу соҳада бошланган ишларни янада такомиллаштириш, амалдаги ислохотларни чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стан-

дартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори умумтаълим фанларини ўқитишнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, замонавий методологиясини яратиш, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандартларини такомиллаштириш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга қаратилган. 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб амалиётга бoсқичма-бoсқич татбиқ этилаётган янгича кўринишдаги давлат таълим стандартлари ўғил-қизларимиз билимини мустаҳкамлаш, замонавий малака-қўникмаларни эгаллаган шахслар бўлиб вояга етишларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бундай янгилик ва ўзгаришлар бугунги кунда олий таълим тизимида ҳам изчил давом этмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 8 октябрдаги фармони билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси** мамлакатимизда олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги бoсқичга кўтариш, олий таълимни модерни-

Олий таълим

БЎЛҒУСИ ТАЛАБАЛАРИМИЗ

соҳага доир ютуқ ва тажрибалардан хабардор бўлиб боради



Ҳасан Йўлдошев олган суратлар.

Нодир ҲАЙДАРОВ,
Тошкент давлат стоматология институти ректори

Мамлакатимизда ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш, хусусан, мактаб таълимини сифат жиҳатидан янги бoсқичга олиб чиқиш борасида амалга оширилаётган ишлар кун сайин қизғин паллага кирмоқда.

Бу саъй-ҳаракатлар Президентимиз раислигида ўтказиладиган видеоселектор йиғилишларида берилётган кўрсатма ва топшириқлар, қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар билан мустаҳкам асосга эга бўлаётир.

Шу йилнинг 30 октябр кўни бўлиб ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбари тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни кудратли, миллилатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбия эканини таъкидлади. Бу борада, аввало, мактабларда ўқув юкламаси ва фанлар сонини қайта кўриб чиқиш, ўқувчиларни факат ёдлашга эмас, балки фикрлашга қорлайдиган методика яратиш зарурлигига алоҳида уруғ берди.

Йиғилишда Финляндия тажрибаси мисол қилиб келтирилди. Бу мамлакат умумтаълим фанларини ўқитиш билан бирга, олий таълимда ҳам салмоқли ютуқларга эришяпти. Шу боис, Тошкент давлат стоматология институти Финляндия давлатининг JAMK университети билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Яқинда магистрлар учун қўшма таълим дастурини йўлга қўйди. Шунингдек, ҳамкорликда “Тиббиёт ва инновация” журнали ташкил этилди. Ушбу нашрда таълим ва илмий-амалий муассасалар докторантлари ва мустақил изланувчиларнинг тадқиқотлари натижалари

доир мақолалар, тиббиёт соҳасининг турли йўналишларида фаолият олиб бoраётган олимларнинг минтақа ва жаҳондаги долзарб муаммолар таҳлилга бағишланган илмий материаллари мунтазам бeриб бoрилади.

Таълим сифатини ошириш борасида институтимиз бошқа чет давлатларнинг нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳам самарали мулоқот ўрнатган. Жумладан, Москва давлат тиббиёт университети билан ҳамкорликда стоматология факультети очилди. Оренбург давлат тиббиёт университети билан биргаликда “Клиник психология”, Приволжск тиббий-тадқиқот университети билан “Даволаш иши”, Украинанинг Горбачевский номидаги Тернополь миллий тиббиёт университети билан “Олий малакали ҳамшира” бакалаврият таълим йўналишлари бўйича қўшма таълим дастури йўлга қўйилди. Беларусь давлат тиббиёт университети билан олти та магистратура мутахассислиги бўйича қўшма таълим дастури, Россия Халқлар дўстлиги университети билан “Дерматовенерология”, Беларусь олий таълимдан кейинги таълим бўйича тиббиёт академияси билан “Офтальмология” ва “Эндокринология” йўналишларида клиник ординатура мутахассисликлари ташкил этилди.



Эътироф

МИЛЛИЙ КУРАШИМИЗ ДУНЁГА БЎЙЛАМОҚДА

Муҳсин ҲИСОМИДДИНОВ,
Кураш бўйича икки карра Осиё ўйинлари,
жаҳон ва Осиё чемпионатлари ғолиби

Мард, танти, жўмард полвонлар юртида яшаймиз. Полвонлик хислатлари қонқонимизга сингиб кетган. Бу бизни юксак марралар сари қорлаб туради. Шу боис, миллий курашимиз фалсафаси дунёга таъниблиб бoрмоқда.

Бугун халқимиз кўп йиллар орзиқиб кутган давр бошланди. Президентимизнинг 2020 йил 4 ноябрдаги “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Бу тарихий қарор нафақат биз, полвонлар учун, балки шу замин фарзандиман, деган ҳар бир инсон учун қувончли ҳодиса бўлди. Айниқса, миллий курашимизда суяғи қотган полвонлар бундай эътиборни кўп йиллардан буён кутиб яшаётганди.

Миллий курашимиз дунёда ўз нуфузига эга спорт тури саналади. Халқаро кураш мусобақаларида ўзбек полвонлари билан тенгма-тенг беллашадиган полвонлар етишиб чиққани ҳам фикримиз далилидир. Улар ўзбек тилида айтиладиган кураш қондаларини мукаммал биледи. Бу бизда, албатта, фахр ва гурур уйғотади.

Шу билан бирга, яна бир нарсани айтишни хоҳлар эдим. Кейинги йилларда мамлакатимизда миллий спортимизга бўлган эътибор қонқарли даражада бўлмади. Кураш залларининг

зация қилиш, пировардида ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ривожлантиришга қаратилган. Зеро, янги Ўзбекистонни янги дунёқарашга эга бўлган ёшлар қуриши, бундай ёш авлод бевосита олий таълим тизимида шаклланиши олий ўқув юртлари учун нафақат шараф, балки улар зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди.

Шу боис, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан олий таълим тизимида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда “Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртқи бўлимларни ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига асосан, сўнги йилларда таълим тизими янада такомиллаштирилмоқда, илғор хорижий тажриба ўрганилиб амалиётга татбиқ этилмоқда. Мамлакатимиздаги 15 та олий таълим муассасасида педагогика йўналишидаги махсус сиртқи бўлимлар фаолияти йўлга қўйилди. Бу эса, биринчидан, таълим соҳасида ўрта махсус маълумотга эга мутахассисларнинг олий таълим олишларига замин яратса, иккинчи томондан, мактабларни етук педагог кадрлар билан таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда жаҳондаги нуфузли ва етакчи олий таълим муассасаларининг филиаллари ҳам ташкил этилмоқда. Масалан, сўнги 4 йил ичида мамлакатимизда 47 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилиб, олий ўқув юртларининг сони 125 тага етди. Албатта, янги Ўзбекистонда янги дунёқарашдаги шахсни шакллантириш вазифаси, биринчи навбатда, олий таълим тизими зиммасига катта масъулият юклайди.

Шунингдек, мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик тизими асосида нoдавлат олий таълим муассасалари фаолияти ҳам йўлга қўйилмоқда. Аҳоли фикри инoбатга олинган ҳолда, таълимнинг сиртқи ва кечки йўналиши қайта тикланди. Мактаб битирувчиларини олий таълимга қамраб олиш даражаси 2016 йилда 9 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда 25 фоизга етди.

Профессор-ўқитувчиларнинг хориждаги илғор олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот масканларида малака ошириши ва тажриба ўташини таъминлайдиган механизм яратилаётгани ҳам мамнуният билан эътироф этиш лoзим. Уларнинг ойлик иш ҳақи миқдори 2018 йилга нисбатан ўртача 2,5 барoбар оширилди. Бу йилдан бошлаб 10 та олий таълим муассасаси ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари “Мендан энг катта мақсад-муддаоинг, бахтинг нима, деб сўрасаларинг, шундай деган бўлардим: ёшларимизнинг дунёқарашини жаҳон даражасига кўтариш, ишли қилиш, гурур-ифтихорини юксалтириш, оилавий бахтини қуриш” дея таъкидлаганидек, бугунги кунда ёшлар дунёқарашини жаҳон андозалари даражасига кўтариш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу эса янги Ўзбекистонда янгича таълим тизими жорий этишдан қутйлаётган ва қўзланган асл мақсад-муддаони англатади.

